O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KUTUBXONASI
INV. №

*Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!*

# ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

**Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси** ◊ TOSHKENT HAQIQATI

1928 йил 11 декабрда асос солинган • 2005 йил 7 декабрь, чоршанба • № 97 (11.796) • Эркин нархда сотилади

# 8 ДЕКАБРЬ – ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ КОНСТИТУЦИЯСИ КУНИ

## ҲАЁТИМИЗНИНГ АСОСИЙ ҚОНУНИ

**Ҳар бир мамлакат ва жамият тарихида шундай улуғ саналар борки, уларнинг аҳамияти ва қадри давр ўтган сари ортиб бораверади. Халқимиз донишмандлиги, сиёсий ва ижтимоий-ҳуқуқий тафаккурининг самараси бўлмиш Конституциямиз қабул қилинган кун ана шундай тарихий саналар жумласига киради.**

Янги Конституцияни қабул қилиш билан боғлиқ жараённи рамзий маънода уч босқичга бўлиш мумкин. Биринчи босқич 1990 йил ва 1991 йилнинг августигача бўлган даврни ўз ичига олади.

Олий Кенгашнинг 1990 йил июнь ойида бўлиб ўтган иккинчи сессиясида Мустақиллик декларацияси қабул қилинди ва у янги Конституцияни ишлаб чиқиш учун асос бўлиши таъкидланди. Ўзбекистон ўзининг тараққиёт йўлини, ўз номини белгилаши ва давлат рамзлари — герб, байроқ, мадҳияни ўзи таъсис этиши эълон қилинди. «Конституцион комиссия тузиш тўғрисида»ги қарор қабул қилинди, янги Конституция лойиҳасини тайёрлаш бўйича комиссия таркиби тасдиқланди.

1991 йил 31 августда бўлиб ўтган Олий Кенгашнинг навбатдан ташқари олтинчи сессиясида Ўзбекистоннинг давлат мустақиллиги эълон этилиб, «Ўзбекистон Республикасининг Давлат мустақиллиги асослари тўғрисида»ги Қонун қабул қилинди. Янги Конституцияни тайёрлашда иккинчи босқич бошланди.

Кейинчалик 1992 йилнинг 4 январида Олий Кенгашнинг тўққизинчи сессияси Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови ҳамда Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллиги тўғрисидаги референдумда овоз бериш натижаларини тасдиқлади. Ислом Абдуғаниевич Каримов 1991 йил 31 декабрдан бошлаб Ўзбекистон Республикасининг Президенти лавозимига киришганлиги тўғрисида қарор қабул қилинди.

1992 йилнинг 2 июлида Олий Кенгашнинг ўнинчи сессиясида Конституциявий комиссиянинг янги Конституция лойиҳасини тайёрлашнинг бориши тўғрисидаги ахбороти тингланди ва комиссияга янги Конституция лойиҳаси устидаги ишларни ниҳоясига етказиш вазифаси топширилди.

Конституциявий комиссиянинг қарори билан янги Конституция лойиҳаси 1992 йил 26 сентябрда илк бор умумхалқ муҳокамаси учун матбуотда эълон қилингани бу Асосий Қонун қабул қилиниши билан боғлиқ учинчи, якунловчи босқич бошланганлигидан далолат берарди.

Лойиҳа эълон қилингач, комиссияга фикрлар, таклиф-мулоҳазалар баён этилган жуда кўплаб хатлар кела бошлади. Лекин уларнинг бирортасида ҳам лойиҳа тўлиқ инкор этилмади, унинг тузилиши ва йўналишини қайта кўриб чиқиш талаб қилинмади. Унинг муҳокамасида бутун халқ, барча фуқаролар фаол, манфаатдорлик билан қатнашдилар. Дастлабки муҳокама жараёнидаги фикрлар ва таклифларни ҳисобга олган ҳолда 1992 йилнинг 21 ноябрида янги Конституция лойиҳаси яна бир бор матбуотда эълон қилинди.

Янги келган таклифлар ҳам умумлаштирилиб лойиҳа 1992 йил 8 декабрда Олий Кенгашнинг ўн биринчи сессияси муҳокамасига киритилди. Сессияда «Ўзбекистон Республикаси Конститу-

(Давоми 2-бетда).

**Шу кунларда мустақил мамлакатимиз фуқаролари ҳаётимизнинг Асосий Қонуни — Ўзбекистон Республикаси Конституцияси кунини тантанали нишонламоқдалар. Мана ўн уч йилки, ўзбек халқи, шу қадим ва навқирон диёрда яшаётган юздан ортиқ миллату элатларнинг фарзандлари унинг талаб ва қоидалари асосида яшаб, ўз азиз ва муккаррам юртларининг буюк келажагини барпо этиш учун курашиб, ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ва ҳуқуқий ислоҳотларни амалга оширмоқдалар.**



## МУКОФОТЛАР ТОПШИРИЛДИ



Куни кеча вилоят ҳокимлигида ҳам Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг 13 йиллигига бағишланган тантанали йиғилиш бўлиб ўтди. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг спикери Эркин Халилов, вилоятимиздан сайланган Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари ва сенат аъзолари, вилоят ҳокимлиги гуруҳ ва котибиятлари, бошқармалар раҳбарлари, шаҳар ва туман ҳокимлари, жамоат ташкилотлари раҳбарлари, жамоатчилик ва оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этишди.

Тантанали йиғилишни вилоят ҳокими Мирзамашраб Куччиев кириш сўзи билан очди.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 13 йиллиги тўғрисида вилоят адлия бошқармаси бошлиғи Бахтиёр Ататов маърузаси тингланди.

Маълумки, Мустақиллик байрами арафасида давлатимиз раҳбарининг фармонлари билан мамлакатимизнинг иқтисодий салоҳиятини юксалтириш ва ислоҳотларни муваффақиятли амалга оширишдаги катта хизматлари, ижтимоий ҳаётдаги фаол иштироки учун вилоятимизнинг бир қатор вакиллари Ватанимизнинг юксак мукофотлари — унвонлар, орденлар ва медаллар билан тақдирланган эдилар. Анъанага кўра, тантанали йиғилишда ижтимоий-иқтисодий соҳаларни ривожлантиришга алоҳида ҳисса қўшаётган илғорларга ана шу давлат мукофотлари топширилди.

Давлат мукофотларини Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси спикери Эркин Халилов, вилоят ҳокими Мирзамашраб Куччиев топширишди. Давлат мукофотлари билан тақдирланганлар номидан Ўртачирчиқ туманидаги 64-мактабнинг «Дўстлик» ордени билан тақдирланган қозоқ тили ва адабиёти фани ўқитувчиси Махбурат Аринова, Чиноз туманидаги 2-мактабнинг Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган халқ таълими ходими Фарида Иброҳимова, Ангрен иссиқлик электр станцияси турбина цехининг «Дўстлик» ордени билан мукофотланган машинисти Николай Литвинов сўзга чиқиб, ўз қалб сўзларини изҳор этдилар.

— Мамлакатимизда болалар спортини ривожлантиришга кўрсатилаётган эътиборнинг ўхшаши, қиёси йўқ, — деди II даражали «Соғлом авлод учун» ордени билан тақдирланган Қибрай туманидаги 11-мактабнинг жисмоний тарбия ўқитувчиси Турсунбой Пардабоев. — Биз бу ғамхўрликка жавобан жисмоний бардам, маънавий соғлом навқирон авлод тарбиясига бутун иқтидоримиз, куч-ғайратимизни аямай сарфлайверамиз.

***СУРАТЛАРДА:** мукофотларни топшириш пайти; тақдирланганларнинг бир гуруҳи.*

**Даврон АҲМАД олган суратлар.**

*Ўзбекистон Республикаси Президентининг*
*ҚАРОРИ*

### 2005 йил 11 декабрь якшанба дам олиш кунини 2005 йил 9 декабрь жумага кўчириш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинган кунини нишонлаш муносабати билан ҳамда меҳнаткашларнинг дам олиши учун қулай шарт-шароитлар яратиш ва иш вақтидан оқилона фойдаланиш мақсадида:

2005 йил 11 декабрь якшанба дам олиш кунини 2005 йил 9 декабрь жумага кўчирилсин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти И. КАРИМОВ.**

Тошкент шаҳри, 2005 йил 5 декабрь.

## ИСТЕЪМОЛ МОЛЛАРИ САВДО ЯРМАРКАСИ

**"Ўзбекенгилсаноат" давлат акционерлик компаниясида мазкур компания ҳамда "Ўзбек ипаги", "Ўзбекчармпойабзали" уюшмалари, Савдо-саноат палатаси таркибидаги истеъмол моллари ишлаб чиқарувчи юздан ортиқ корхона маҳсулотларининг келгуси йил учун улгуржи ва чакана савдо ярмаркаси очилди.**

Ярмаркани ўтказишдан асосий мақсад енгил саноат корхоналарининг 2006 йилги буюртмаларини шакллантириш, юртимиздаги ва хориждаги харидорларни маҳаллий ишлаб чиқарувчилар маҳсулотлари билан янада кенгроқ таништириш, харидорлар билан тўғридан-тўғри шартномалар, экспорт битимлари тузишдан иборат. Бундан ташқари, қатнашчилар ўзи ёқтирган товарни ишлаб чиқарувчи томонидан белгиланган нархда нақд пулга сотиб олиши ҳам мумкин.

Уч кун давом этадиган ярмарка иштирокчилари эътиборига сифати ва дизайни жаҳон андозаларига мос икки мингдан кўпроқ хил ва турдаги тўқимачилик, тикувчилик, трикотаж, чинни, ипак калава ва мато, пойабзал ҳамда чарм атторлик халқ истеъмоли моллари тақдим этилмоқда. "Бурсель-Тошкент", "Ядем текстиль", "Кофра" каби қўшма корхоналар, "Бухоротекс", "Бобур", "Марғилон экскреп", "Қўқон шоҳи атлас", "Пойабзалчи", "Нафис" акционерлик жамиятлари каби ишлаб чиқарувчиларнинг маҳсулотлари харидорларга айниқса манзур бўлмоқда. Шуниси эътиборлики, бу ишлаб чиқарувчилар маҳсулотларининг аксариятидаги ёрлиқларда "янгилик" сўзи қайд этилган.

Ярмарка доирасида мамлакатимиз тўқимачилик корхоналари модельер ва дизайнерлари томонидан тайёрланган миллий ва замонавий кийимлар коллекцияси кўргазмаси ҳам ўтказилади.

**Олим НОРБЕКОВ, ЎзА мухбири.**

## НЕВРОЛОГИЯНИНГ ДОЛЗАРБ МУАММОЛАРИГА БАҒИШЛАНДИ

**Мутахассисларнинг таъкидлашича, кейинги йилларда дунё аҳолиси орасида мия қон томири ва асаб касалликларига чалинаётганлар сони тобора кўпаймоқда. Шу боис бундай хасталикларнинг олдини олиш ва даволашнинг янада самарали усулларини ишлаб чиқиш жаҳон тиббиётининг доимий диққат-эътиборида турибди.**

Тошкент врачлар малакасини ошириш институтида неврологиянинг долзарб муаммоларига бағишлаб ўтказилган илмий-амалий анжуманда ана шу ҳақда гап борди. Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Тошкент тиббиёт академияси ҳамда Республика неврологлар уюшмаси ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирда мамлакатимиз олимлари ва шифокорлари билан бир қаторда Россия, Қозоғистон ва Қирғизистондан келган мутахассислар ҳам иштирок этди.

Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий маркази ва унинг вилоятлардаги аксарият филиаллари даволашнинг мазкур илғор усулини қўллашда фойдаланиладиган замонавий тиббий асбоб-ускуналар билан жиҳозланган. Бундай шифо муассасаларида ишлаётган мутахассислар билим ва малакасини ошириш мақсадида доимий ўқув-семинарлар ва илмий-амалий анжуманлар ташкил этиляпти.

Анжуманда мия қон томирлари ва асаб касалликларининг олдини олишга бағишланган маърузалар тингланди.

**Б.ХИДИРОВА, ЎзА мухбири.**

**Парижда ниҳоясига етган Кўргазмалар халқаро бюроси (КХБ) бош ассамблеясининг 138-сессиясида 12 мамлакат қаторида Ўзбекистон икки йилга ушбу ташкилотнинг Регламент бўйича қўмитаси таркибига сайланди.**

## ҚЎМИТА ТАРКИБИГА САЙЛАНДИ

Мазкур ташкилот дунёнинг 98 давлатини ўз атрофида бирлаштирган. Мамлакатимиз номзоди Европа, Жанубий-Шарқий Осиё ва Лотин Америкаси давлатларининг кўпчилиги томонидан қўллаб-қувватланди.

Сессияда сўзга чиққан КХБ бош котиби В.Лассерталес КХБ Ижроия қўмитаси таркибига кирган мамлакатларга миннатдорлик изҳор этар экан, унинг фаолиятига Ўзбекистон қўшган ҳиссани алоҳида таъкидлади. "Биз Ўзбекистон делегациясининг ташаббуслари ва ташкилотимиздаги фаолиятидан миннатдормиз. Япониянинг Аичи шаҳрида бўлиб ўтган "ЭКСПО-2005" кўргазмасида Ўзбекистон фаол иштирок этиб, "D" тоифасида бронза нишонини қўлга киритгани барчанинг ёдида. Бу кўргазмада Ўзбекистон павильони энг намуналиларидан бири бўлди", дея таъкидлади КХБ бош котиби.

**«Жаҳон» АА.**

*Муносабат*

## ИНСОНПАРВАРЛИКНИНГ ЯНА БИР НАМУНАСИ

**Фуқароларнинг муносиб ҳаёт кечиришларини таъминлашнинг ҳуқуқий асосларини ифодаловчи Конституциямиз қабул қилинган куннинг 13 йиллиги кенг нишонланаётган шу кутлуғ кунларда мустақиллик йилларидаги янгиланиш жараёнларини бир-бир кўз ўнгимиздан ўтказмоқдамиз. Ҳаётимизнинг Асосий Қонунида инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, қадр-қиммати ва бошқа дахлсиз ҳуқуқлари олий қадрият ҳисобланиши қайд қилинган. Инсонпарвар демократик ҳуқуқий давлат барпо этиш йўлидаги барча саъй-ҳаракатларимиз шунга бўйсундирилмоқда, жумладан, суд-ҳуқуқ соҳасини ислоҳ қилишга катта эътибор қаратилмоқда.**

Жиноий жазоларни эркинлаштириш борасидаги муҳим қонунлар қабул қилинганлиги йирик қадамлар бўлганлиги ҳеч қачон унутилмайди. Давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан жиноят ва жиноят-процессуал қонун ҳужжатлари либераллаштирилиб, жамият ҳаётини демократлаштириш изчил давом эттирилди. Республикада ўлим жазосининг бекор қилиниши ҳам инсон ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари устуворлигини таъминлашда янги босқични бошлаб берди. Шу жараёнларнинг узвий давоми Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг тўртинчи ялпи мажлисида намоён бўлди. Унда «Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг ўн уч йиллиги муносабати билан амнистия тўғрисида» қарор қабул қилинди.

Қарор биринчи марта содир этилган жиноятлари учун маҳкум этилган аёллар, жиноят содир этган вақтда 18 ёшга тўлмаган шахслар, ушбу қарор кучга киргунга қадар 60 ёшга тўлган эркаклар озод қилинишини кўзда тутади. Ўзбекистонда яшаш учун қонуний асослари бўлмаган чет эл фуқаролари ҳам жазодан озод қилинадилар.

Бундан ташқари, қарорда ижтимоий хавфи унча катта бўлмаган ёки унча оғир бўлмаган жиноят содир этиб, биринчи марта ҳукм қилинган шахслар ҳам озод қилиниши белгилаб қўйилган. Олий Мажлис Сенатининг қарорида яна бир қатор енгилликлар кўзда тутилганки, улар маҳкумларнинг муайян қатламлари ҳам озодликка чиқарилиб, улар ўз яқинлари бағрига қайтишларига, ҳаётни янгидан бошлашларига имкон туғдиради.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг амнистия тўғрисидаги бу қарори давлатимиз инсонпарварлик интилишларининг янги кўринишидир. У тасодифан, эҳтиётсизлик оқибатида жиноят кўчасига кириб қолган айрим шахслар жамиятда ўзига ишонч туғдириб, ҳаётни янгидан бошлашларига йўл очади. Энди ҳамма гап уларнинг ўзларида, жамиятимиз ва давлатимиз яратаётган имконлардан оқилона фойдалана олишларида.

**Жўрабек МУРОДОВ.**

## ҚОЗОҒИСТОНДА ПРЕЗИДЕНТ САЙЛОВИ

**Қозоғистон Республикасининг Тошкентдаги элчихонасида Қозоғистонда ўтказилган президент сайлови натижаларига бағишланган матбуот анжумани бўлиб ўтди.**

Қозоғистоннинг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Тлеухан Кабдрахманов сайловда 5 нафар номзод кураш олиб борганини маълум қилди. Мамлакат марказий сайлов комиссиясининг дастлабки маълумотларига қараганда, "Отан" ("Ватан") сиёсий партиясидан номзоди кўрсатилган амалдаги давлат раҳбари Нурсултон Назарбоев 91,02 фоиз овоз олиб, сайловда ғалаба қозонган.

Сайловда яна бир асосий даъвогар – "Адолатли Қозоғистон учун" демократик кучлар блоки вакили Жармахон Туёқбой 6,64 фоиз овоз олган.

Матбуот анжуманида таъкидланганидек, овоз бериш жараёнида Қозоғистондаги сайлаш ҳуқуқига эга 8,9 миллион фуқаронинг 75,52 фоизи иштирок этган. Унда хорижий мамлакатлар ва халқаро ташкилотлардан 1634 кузатувчи қатнашган.

МДҲ кузатувчилари миссияси раҳбари Владимир Рушайло Остонадаги матбуот анжуманида Қозоғистондаги президент сайлови адолатли ва қонуний ўтганлигини алоҳида қайд этган.

Шундай қилиб, Қозоғистон қонунчилигига мувофиқ, Нурсултон Назарбоев яна 7 йил давомида мамлакатга раҳбарлик қилиш ҳуқуқини қўлга киритган.

**Акмал НАЗАРОВ, ЎзА мухбири.**

## ОБОДОНЧИЛИК — ҲАР КУНГИ ЮМУШ

**Қиш мавсумини пухта тайёргарлик билан қарши олган Ангрен иссиқлик электр станцияси шўъба корхонаси шаҳарни ободонлаштириш умумҳашарида ҳам фаол иштирок этаяпти.**

Шуни кеча-кундузда корхона томонидан ажратилган иккита транспорт техникаси йиғилган хазонларни ташиб чиқаришда ҳашарчиларнинг оғирини енгил қилаяпти. Шунингдек, корхона шаҳар коммунал фойдаланиш бошқармасининг ободончилик бўлимига ўз ҳисобидан чиқинди тўкиш учун 20 дона темир қутилар тайёрлаб берди.

Булардан ташқари, корхона кўп қаватли уйларнинг таъмирталаб иссиқлик тармоқларининг маълум қисмини таъмирлаш ва янгилаш борасида зиммасига олган мажбуриятни ҳам кўнгилдагидек адо этмоқда.

**Мунаввара РАЖАББОЙ қизи.**

**2006 йил учун обуна давом этмоқда**

**«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» газетасининг индекси – 205.**

# БОШ ҚОМУСИМИЗ - ТАРАҚҚИЁТИМИЗ КАФОЛАТИ

## ҲАЁТИМИЗНИНГ АСОСИЙ ҚОНУНИ

циясини қабул қилиш тўғрисида», «Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинган кунни умумхалқ байрами деб эълон қилиш тўғрисида», «Ўзбекистон Республикаси Конституциясини амалга киритиш тартиби тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунлари қабул қилинди.

Ўзбекистон Республикаси ўзининг Конституциясида республика фуқароларининг муносиб ҳаёт кечиришларини таъминлашга интилиб, инсонпарвар демократик ҳуқуқий давлат барпо этиш асосий мақсади эканлигини қатъий белгилаб қўйди. Зеро, инсонпарвар демократик ҳуқуқий давлатнинг асосий хусусиятларидан бири унда қонунийликни таъминланишидир.

Қонунийлик деганда нафақат давлат, унинг органлари, мансабдор шахслар, нодавлат ташкилотлар, фуқароларнинг Конституция ва қонунларга мувофиқ иш кўришлари тушунилади, балки, биринчи навбатда қонунлар ва қонун ости меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларнинг мазмун-моҳиятида халқ манфаатларининг, адолат ва ҳақиқат мезонларининг устун бўлиши лозимлиги англашилади. Шунинг учун ҳам Конституцияга мувофиқ Ўзбекистон халқининг манфаатларини ўзида ифода этган мамлакатимиз Парламенти — Олий Мажлис ташкил этилди.

Юртбошимиз иккинчи чақириқ Олий Мажлиснинг иккинчи сессиясида мамлакатимизда икки палатали парламентни тузиш зарурлиги тўғрисидаги ғояни илгари сурган эдилар. 2004 йилнинг декабрида бу ғоя ҳаётга татбиқ этилди ва Олий Мажлис юқори палатаси — Сенат ва Қонунчилик палатаси шаклланди.

Биз бу ўзгаришларни мамлакатимизда изчиллик билан амалга оширилаётган сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий ҳаётни эркинлаштириш жараёнининг давоми ва шунинг билан бирга Конституциямизда белгиланган асосий мақсадимиз — демократик давлат қуриш сари муҳим қадам, деб ҳисобламоқдамиз.

Халқимиз Ватанга садоқат, ваъдага вафо, она замин гуллаб-яшнаши учун юксак масъулият туйғуси билан ажралиб туради. Ана шундай халқнинг мамлакати ўз кучига таянган ҳолда ҳар бир фуқаро муносиб турмуш кечиришини таъминлашга, демократия ва ижтимоий адолатга асосланган жамият сари ўзимизга хос йўлдан бориб олий мақсадига эришишига ҳеч шубҳа йўқ.

Давлатимиз раҳбари эътироф этганларидек, «Ҳар қандай давлатнинг юзи, обрў-эътибори унинг Конституцияси ҳисобланади. Зотан, Конституция давлатни давлат, миллатни миллат сифатида дунёга танитадиган Қомусномадир».

**Бахтиёр АТАМАТОВ,**
**Тошкент вилояти Адлия бошқармасининг бошлиғи.**

(Давоми. Боши 1-бетда).

## «АЛЛО, «ТЕЗ ЁРДАМ»МИ?»

**Оҳангарон ҳудуди жиҳатидан вилоятдаги энг катта туманлардан ҳисобланади. «Қамчиқ» довони орқали водийга бориладиган асосий йўл ҳам шу ҳудуддан ўтган. Шунингдек, чекка тоғолди қишлоқларда кўплаб аҳоли истиқомат қилади. Демак, ҳудуддаги ижтимоий-иқтисодий аҳвол, аҳолига кўрсатиладиган турли хизматларда ўзига яраша муаммоларнинг бўлиши табиий. Шу қатори тиббий хизмат, айниқса, тез тиббий ёрдам кўрсатиш ишларининг қай аҳволда эканлиги кўпчиликни қизиқтириши ҳам бор гап. 109 минг аҳоли истиқомат қилаётган туманда марказий шифохонага қарашли шошилинч тиббий ёрдам бўлимида 11 та «тез ёрдам» машинаси ишлайди.**

— Бир кеча-кундузда ўртача 50 та телефон қўнғироғини рўйхатга оламиз, — дейди бўлим нозими Муҳаббат Умрзоқова. — Водийга олиб борадиган катта йўлда ҳам турли даражада шикастланишлар бўлиб туради. Бундай ҳолатларда «тез ёрдам»сиз иш битмайди. Биз ҳар қандай чақириқлар чоғида воқеа содир бўлган жойга бир зумда етиб бориш имкониятига эгамиз...

Катта фельдшер Рихси Мўминова ҳамроҳлигида биринчи ёрдам бериш хонасини кўздан кечирамиз: ўн беш хил номдаги дорилар ва бир марта фойдаланиладиган шприцлар, тез ёрдам кўрсатувчи шифокорнинг биринчи ёрдам жомадонида зарур дори-дармонлар, қон босимини ўлчайдиган ва қанд миқдорини тезда аниқлайдиган ускуналар бор.

— 19 та қишлоқ врачлик пунктининг 7 тасида биттадан зарур тиббий анжом ва дори-дармонлар билан таъминланган автоулов хизматга тайёр, — дейди марказий шифохона бош шифокорининг ўринбосари Даврон Тўрақулов. — Бунинг сабаби шуки, кўпгина қишлоқларимиз туман марказидан узоқда. Масалан, Эртош қишлоғи бу ердан 90 километр олисда жойлашган. Агар эртошликларга тез тиббий ёрдам зарур бўлиб қолса, камида икки соат кутиб қолишларига тўғри келади. Шунинг учун қишлоқ врачлик пунктларида ўз автомашинаси бўлгани яхши. Зарурат туғилса, беморга биринчи ёрдам кўрсатилгач, марказий шифохонага олиб келинади.

— Шифохонамизнинг асосий мақсади сифат ва самарадорликка қаратилган, — дейди бош шифокор ўринбосари. — Бунинг учун энг аввало, шифокорлар малакасини оширишга эътибор берилади. Яъни, ҳар бир врач беш йилда бир марта, ҳамширалар уч йилда бир марта малака ошириб келишлари шарт. Шунинг учун 72 фоиз врач ва ҳамширалардан 53 фоизи тоифа эгаларидир. Иккинчи ютуғимиз шифохонада ишлатилаётган дори-дармонларнинг 92 хилини ўз дорихонамизда тайёрлаймиз. Бунинг афзаллиги шундаки, беморлар учун зарур бўлган дори-дармонлар доимо қўлимизда, қолаверса, нисбатан арзон тушади. Масалан, глюкоза эритмасини бошқа дорихоналардан 800 сўмга сотиб олсак, ўзимизда тайёрлангани 120 сўмга тушади. Ана шундай йўл билан ўтган 2004 йилда 262 миллион сўм маблағни тежашга эришдик...

Ҳозирги кунда шифо масканининг моддий-техник базасини яхшилаш, замонавий тиббий ускуналар билан жиҳозлаш, тиббиёт ходимлари учун қулай меҳнат шароитини яратиш борасида қатор тадбирлар амалга оширилмоқда. Шошилинч тиббий ёрдам бўлими биноси яқинда тўла реконструкция қилиниб, барча қулайликларга эга замонавий масканга айлантирилди. 60 ўринли терапия-даволаш бўлимида ҳам таъмирлаш ишлари олиб борилмоқда.

**Темур ХАЙДАРОВ.**

*Дил изҳори*

## ШУ ЮРТ ФАРЗАНДЛАРИМИЗ

**Ёшлар давраларида бахт ва буюк келажак хусусида гап очилса, ҳар турли фикрлар эшитасиз. Бир жиҳатдан бу тўғри. Чунки, бахтни ҳар ким ўзича тасаввур этади, ўзича интилади.**

Шундай кезларда жиддий ўйлаб қоламан: «Ҳар биримиз шу юрт — Ўзбекистон фарзандларимиз.

Мамлакат равнақини кўзлаб яшаётган ва меҳнат қилаётган инсонлар қаторидан муносиб ўрнимизни топишга интилиб яшамоқдамиз. Бизнинг билим олиш, жисмоний чиниқиш, ўз салоҳиятимизга кўра, аниқ бир касбни эгаллаш имконларимиз ниҳоятда кенг. Бундай шарт-шароитлар миллий мустақиллик туфайли яратилди».

Ҳаётимизнинг асосий қонуни — Ўзбекистон Конституциясида мана шу шарт-шароитлар, ҳуқуқларимизнинг қонунчилик асослари таърифлаб берилган.

Конституция китоби дарсхонамда, ўқув столимнинг тўрида туради. Хусусан, унинг биргина 41-моддасида биз ёшларнинг баркамол инсон бўлиб етишишимизни кафолатловчи конституцион қоида яққол мужассам. Унда: «Ҳар ким билим олиш ҳуқуқига эга», — дейилади. Бу ҳуқуқ бепул амалга оширилади. Бунинг учун жамият ва давлат мактаб, лицей, коллеж ва олий ўқув юртлари тизимини муттасил такомиллаштириб бормоқда.

Мен Ислом университети ҳузуридаги лицейда ўқиб, таълим олдим. Эндиликда Тошкент Давлат техника университетининг иқтисодиёт факультетида таҳсил олмоқдаман. Кенг ва ёруғ аудиториялар, лаборатория ва ўқув-машқ кабинетларини жиҳозлаш, ўқув-машғулотларини юқори савияда олиб борувчи малакали олим-педагогларни тайёрлаш қанчадан-қанча маблағларни тақозо этишини кўз олдимизга келтирсак, бу имкониятлардан оқилона фойдаланиш зарурлигини англаб, унинг қадрига ета бошлаймиз. Айтмоқчиманки, ҳар қандай ҳуқуқ муайян мажбуриятларни келтириб чиқаради. Биз, талабаларнинг мажбуриятимиз бутун зеҳнимизни ишга солиб, пухта билим олишдан иборат. Фақат қунт билан ўқисаккина, ота-оналаримиз, эл-юрт кутган, орзу қилган билимли, малакали мутахассислар бўлиб етишамиз. Фақат шундагина Ватан ишончини оқлай оламиз, унинг равнақига ҳисса қўша бошлаймиз.

***Жамола* ҲУСАНЖОНОВА.**




## ВАТАН ТИМСОЛИНИНГ ЁРҚИН ИФОДАСИ

**Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари Марказий музейида Қомусимизнинг 13 йиллиги муносабати билан Сергей Спридиновнинг фотоасарлари намойиш этилди.**

Шу кунгача у «Ўзбекистон — умумий уйимиз», «Миллий Армия — мустақиллигимиз ва тинч ҳаётимизнинг ишончли қалқони», «Ватан ҳимояси — муқаддас бурчимиз» каби китоблар ва фотоальбомларни яратишда иштирок этган. Ҳозирда Қуролли Кучлар Академиясида суратчи вазифасида ишлаб келмоқда.

— Марказий музейимизда турли саналар ва бошқа байрамларда кўргазмалар ташкил этилади, — дейди музей илмий ходимаси Дилором Раҳимова. — Конституция кунига бағишлаб ўтказилаётган таниқли фотомухбир С. Спридиновнинг шахсий кўргазмасида намойиш этилаётган асарларда халқ билан армия бирлиги уйғунлигини кўрамиз. Улар Қуролли Кучларда босқичма-босқич олиб борилаётганислоҳотлар, Қуролли Кучлар академияси, ҳарбий қисмлар, аскарлар ҳаёти, шунингдек, миллий удумлар, юртимиз табиатининг гўзаллиги йўналишларидаги серқирра ижод маҳсулидир. Кўргазмада таниқли ижодкорнинг «Ўзбекистон диёри», «Академия ҳаёти», «Ҳарбий оркестр» каби элликдан зиёд фотоасарлари қўйилган.

**Саид ҲАСАНОВ.**

## ИСТИҚЛОЛ ВА ИСТИҚБОЛ РАМЗИ

**Мустақил давлатчилигимизнинг мустаҳкам ҳуқуқий пойдевори — Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг қабул қилиниши қутлуғ ва қувончли тарихий воқеалардан биридир.**

Собиқ иттифоқ давлати барбод бўлиши, республикамиз ўз мустақиллигини қўлга киритиши, табиийки, янгиланаётган жамият ва демократик давлатнинг ҳуқуқий асосларини яратишни талаб қилди. Мамлакатимизнинг Асосий Қонуни — Конституцияни яратиш энг долзарб масалага айланди.

Конституция ҳар қандай жамиятнинг юзи ва нуфузини кўрсатадиган, давлатни давлат, миллатни миллат сифатида дунёга танитадиган асосий ҳуқуқий ҳужжатдир. У халқ иродасини, руҳиятини, ижтимоий онги ва маданиятини акс эттиради. Янги конституцияни яратишда БМТ ҳужжатларига, «Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси»га, халқаро ҳуқуқнинг жаҳонда эътироф этилган қоидаларига таянилди.

Шунингдек, ривожланган мамлакатлар тажрибасидан фойдаланилди. Шу асосда тайёрланган лойиҳани баҳолашда дунёдаги энг нуфузли халқаро ташкилотлар экспертлари, таниқли олимлар иштирок этишди. Конституциямизнинг демократик, одил характерини ҳамма тан олди. Ҳатто, бизни хуш кўрмайдиган, мухолифатдагилар ҳам унга қарши бирор оғиз гап айта олишмади. Чунки, аввало, Конституциямиз ҳақиқатан ҳам демократик тамойиллар асосида тайёрланган бўлиб, тарихда синалган умуминсоний, умумбашарий қадриятларни ўзида мужассамлаштирган.

Иккинчидан, мустақил давлатимизнинг Асосий Қонуни энг ривожланган демократик давлатлар тажрибасига таяниб яратилган. Учинчидан, Конституциянинг муқаддимасидан охиригача барча боб ва моддаларида миллий тафаккуримиз, миллий қадриятларимиз, адолат, имон, бағрикенглик, мурувват, мардлик каби халқимизга хос хислатлар ўз аксини топган.

Мустақил Ўзбекистон Конституциясининг асосий моҳияти шундаки, унда фуқаролар манфаатининг устуворлиги қонуний равишда мустаҳкамланган ва кафолатланган. Барча дунёвий неъматлар ичида инсон, унинг ҳаёти, эрки, шаъни, қадр-қиммати ва бошқа ҳуқуқ ва эркинликлари муқаддас ва дахлсиз, деб эълон қилиниб, жамият ва давлат ўртасидаги муносабатлар ўзининг оқилона ечимини топган. Мустақил Ўзбекистон Конституциясида: «Давлат органлари ва мансабдор шахслар жамият ва фуқаролар олдида масъулдир» дейилади. Илгарилари бундай ҳуқуқий қоидани, ҳатто, хаёлга ҳам келтириш қийин эди.

Ўзбекистон Конституциясининг муҳим хусусиятларидан бири — хусусий мулкнинг давлат томонидан ҳимоя қилиниши алоҳида таъкидланганлигидир. Шу асосда қабул қилинган бир қатор қонунларимиз иқтисодиётни ўта марказлаштирмаслик, якка ҳокимликка барҳам бериш ва тадбиркорликни кенгайтириш орқали бозор муносабатларини ривожлантиришга ва қарор топтиришга кенг йўл очади.

Мустақил Ўзбекистон Конституциясининг муҳим жиҳатларидан бири — унда ҳур фикрлилик, виждон ва диний эътиқод эркинлиги масалаларига алоҳида эътибор берилганлигидир. Шунга асосан мамлакатимизда ошкоралик, кўппартиявийлик, фикр эркинлиги, айниқса, диннинг халқимиз ҳаёти, ахлоқи, руҳияти, маънавиятида тутган ўрни ўз аксини топди.

Конституциянинг муҳим хусусиятларидан яна бири — давлат ҳокимиятининг тузилиши ва фаолияти, таркиби, ваколатларни тақсимлаш асосида амалга оширилишининг таъкидланишидир. Қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимияти давлатнинг уч асосий таянчидир. Қонун чиқарувчи ҳокимият Олий Мажлис томонидан, ижроия ҳокимияти — Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Вазирлар Маҳкамаси томонидан, суд ҳокимияти Конституциявий суд, Олий суд ва Олий хўжалик суди томонидан амалга оширилади.

Бирорта жорий қонун ва меъёрий-ҳуқуқий қонунлар Конституция меъёрлари ва қоидаларига зид бўлиши мумкин эмас.

Мана, ўн уч йилки, Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси давлат, халқ ва миллий мустақилликнинг мустаҳкам пойдевори ва кафолати бўлиб турибди.

**Искандар ХАЙИТОВ, доцент.**

## ТАРБИЯЛАНУВЧИЛАРГА СОВҒАЛАР

**Ўртачирчиқ туманидаги 124-мактаб-интернатда «Конституция берган бахт» мавзуида давра суҳбати ўтказилди.**

Ноанъанавий тарзда, қизиқарли ўйин шаклида ташкил этилган бу фикр олишувда лоқайдлар бўлмади. Ўқув аълочилари эсдалик совғалари билан тақдирланишди. «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатининг Оҳангарон шаҳар бўлими тарбияланувчиларга ўқув қуроллари, спорт анжомлари топширди.

**Лазизхон ҲАСАНОВ.**

## ҲАҚ-ҲУҚУҚЛАРИМИЗ ОМИЛИ

**Кишилик жамиятининг тарихий ривожланишига назар ташлайдиган бўлсак, ҳар қайси жамият ўз келажагини кўзлаб яшайди ва унинг пойдеворини имкон қадар мустаҳкам барпо қилиш ҳаракатида бўлади. Шу нуқтаи назардан қараганда, истиқлол йилларида давлатимиз, жамиятимиз эришган буюк ютуқ — Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси қабул қилинганлиги бўлди.**

Ўзбекистоннинг Асосий Қонуни, республикада аввалги йилларда қабул қилинган қонунлардан фарқли ўлароқ, демократик тамойиллар асосида тайёрланган бўлиб, унда умуминсоний қадриятлар ўз аксини топганлиги, у кўплаб тараққий этган мамлакатларнинг тажрибаларини ўзига сингдирганлигини кўрамиз.

Шундай қилиб, Ўзбекистон Республикаси тарихида биринчи марта халқаро ҳуқуқнинг кўпчилик томонидан эътироф этилган тамойиллари ва меъёрларига, умуминсоний қадриятларнинг устиворлигига асосланган том маънодаги демократик Конституция яратилди ва кучга киритилди. Ҳозирги кунда Конституциянинг мазмун-моҳиятини ёшларимиз онгига сингдириш, мактабларда ва бошқа ўқув даргоҳларида уни пухта ўргатиш, конституция тамойилларидан келиб чиққан ҳолда ёшларда ватанпарварлик туйғусини шакллантириш, уларни ота-онага ва меҳнатга бўлган садоқат руҳида тарбиялашдаги муҳим омиллардан бири ҳисобланади.

Бош Қомусимиз ҳисобланган Конституцияни ўрганиш мамлакатимиз фуқароларининг бурчи бўлиши, ўз ҳақ-ҳуқуқларини конституциявий қонунлардан келиб чиққан ҳолда ҳимоя қилишлари, ҳозирги кунда ёшларимизни ҳар хил диний оқимларнинг тазйиқларидан ҳимояланишда ва мамлакат фаровонлигини таъминлашда муҳим замин яратиб беришига ишончимиз комил.

**Руслан РУСТАМОВ,**
**Тошкент Давлат юридик институти талабаси.**

**Тошкент туманидаги «Шоҳруҳ» кошонасида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинган кун ҳамда халқаро ногиронлар куни муносабати билан хайрия тадбири бўлиб ўтди. Унда иштирок этган 200 нафар ногиронга ҳомий ва ташкилотчиларнинг 2 миллион сўмликдан зиёд эсдалик совғалари топширилди.**

## «ШОҲРУҲ»ДА БАЙРАМ ДАСТУРХОНИ





— Бу икки санани бирга нишонлашда ҳам рамзий маъно бор, — дейди иккинчи гуруҳ ногирони Наби Яхёев. — Бугун юртимиздаги ҳар бир инсон, ҳатто, ногиронларнинг ҳам жамиятда ўз ўрни бор. Буни биз давлатимиз томонидан кўрсатилаётган ғамхўрлик, бағрикенглик мисолида кўраяпмиз.

Шу куни 50 нафар қарияга ҳам кийим-бош, озиқ-овқат маҳсулотлари тарқатилди.

Бу хайрли ишларга туман ширкат хўжаликлари, «Хайрулла» хусусий фирмаси, туман меҳнат бўлими ҳамда «Тошкент» ҳиссадорлик жамиятлари ҳомийлик қилдилар.

**Равшан ЁҚУБЖОНОВ.**

***СУРАТЛАРДА:*** *тадбирдан лавҳалар.*
**Даврон АҲМАД олган суратлар.**

# Хорижий сармояли «САНОАТҚАЛИНҚОҒОЗСАВДО» акциядорлик жамияти бошқаруви кенгаши

вилоятимизнинг барча аҳлини
мустақил республикамизнинг асосий Қомуси —

## Конституциямизнинг 13 йиллиги

муносабати билан самимий муборакбод этади
ва ҳар бир хонадонга тинчлик-омонлик,
фаровонлик, оилавий бахт ҳамда истиқлолни
мустаҳкамлаш йўлидаги
хайрли ишларига омад тилайди.




**Корхона ўзининг сифатли ва харидоргир маҳсулотларини таклиф этади ҳамда Сизни ҳамкорликка чорлайди. Байрамингиз кўнгилли ва хушнуд ўтсин, азиз юртдошлар!**



## «Бекобод цемент комбинати»

**очиқ акциядорлик жамияти жамоаси**

вилоятимизнинг
меҳнаткаш ва бунёдкор
аҳолисини ҳуқуқимиз пойдевори
қўйилган сана —
Конституциямиз
қабул қилинганлигининг

## 13 йиллиги билан

самимий қутлайди.
Айни шукуҳли кунларда
хур диёримизнинг
янада чирой очиши,
ободонлашувига
муносиб ҳисса қўшиб,
шаҳар ва қишлоқларимизда кўркам,
замонавий ҳамда бежирим
иншоотларнинг
бунёд бўлишида белни
маҳкам боғлаб хизмат қилаётган
қурувчи-бунёдкорларимизнинг
хайрли ишларида
улкан зафарлар ёр бўлсин.
Азизлар!
Мақсадимиз бир, қўлни-қўлга
бериб, ҳамкорлик қилайлик.
Айёмингиз муборак бўлсин!

Акциядорлик-тижорат

## «ПАХТА BANK»нинг

**Тошкент вилоят бошқармаси жамоаси**

барча ҳамюртларимизни
Мустақил Ўзбекистон
Конституцияси
қабул қилинганлигининг
13 йиллиги
билан табриклайди!

Бизнинг мамлакатимизда иқтисодий фаолият ва тадбиркорлик эркинлиги давлат томонидан кафолатланади. Мустақиллик йилларида мулкдорлар синфи шаклланиб, у иқтисодий тараққиёт жараёнида ҳал қилувчи кучга айланди. «Пахта банк» ширкат ва фермер хўжалиги даромадини кўпайтиришга, демакки, мамлакатнинг иқтисодий қудратини мустаҳкамлашга ва гуллаб-яшнашига ҳисса қўшишга интилаётган ташаббускор, ишбилармон ва ўз ерининг ҳақиқий эгаси бўлган кишиларнинг ишончли кўмакчиси бўлиб келмоқда ва бундан буён ҳам шундай бўлиб қолади.

## Бизнинг имкониятларимиз — сизнинг хизматингизда!

Ушбу шодиёна кунларда
барча юртдошларимизга
тўкин-сочинлик ва омад тилаймиз!

# Тошкент вилояти Давлат педагогика институти жамоаси



республикамиз аҳолисини, хусусан,
вилоятимизда меҳнат қилаётган илм-фан вакилларини,
иқтидорли ёшларни демократик
жамият барпо этишнинг ҳуқуқий асоси —

## Мустақил Ўзбекистон Конституцияси

байрами билан қизғин қутлайди.
Азиз дўстлар, Сиз билан биз ҳаётимизни янада гўзал
ва фаровон қилишга, маънавий жиҳатдан
бойитишга хизмат қиладиган буюк ўзгаришларнинг
нафақат гувоҳи, балки бевосита иштирокчилари
эканлигимиз билан фахрланамиз.

**Ватан, эл-юрт равнақи йўлидаги саъй-ҳаракатларингиз қанот ёзаверсин, азиз ватандошлар!**

# Ангрен ахборот ва компьютер технологиялари коллежи маъмурияти

*вилоятимиз меҳнаткашларини,
истиқболга комил ишонч билан
интилаётган ёшларни*

## Конституциямиз қабул қилинганлигининг 13 йиллиги

*билан самимий табриклайди
ва барчага мустаҳкам соғлиқ,
ёшларга хос жўшқинлик,
шижоат ва матонат тилайди.
Байрам кайфияти кўнгилларга сурур бахш этсин!*

